# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 27-DEKABR, JUMA, 156 (8237)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Сирдарё туманидаги “Peng sheng” қўшма корхонасида керамик плиткалар, пойабзал маҳсулотлари, терини қайта ишлаш, уй ҳайвонлари ва паррандалар учун ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу йилнинг бошида эса мобиль телефонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Келгуси йилдан бошлаб уч турдаги мобиль телефонлар экспорт қилина бошлайди. 2



Хомашё таркибига қишлоқ хўжалик экинларининг исталган чиқитини, масалан, пистапояни, похолни, сомонни, шоли қипиғини, дов-дарахтлар хазонини яна шунга ўхшаш бошқа нарсаларни ҳам бемалол қўшиш мумкин. Бироқ, албатта, ғўзапоя кукуни бўлиши шарт. Ана шунда исталган брикет тайёрланади... 3



Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити тадбиркорликни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ҳам муносиб иштирок этмоқда. 6

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА







# ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

**Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали ҳамда “Юрт келажаги” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Шу муносабат билан мазкур санъат масканига тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тақдирланган ёш иқтидор эгаларининг устоз ва мураббийлари ҳамда яқинлари таклиф этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак ижодий-интеллектуал салоҳият соҳиби этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим аҳамият касб этаётганини, келажак авлодни қадриятларимиз ҳамда Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури”га мувофиқ ташкил этилган бўлиб, уларни юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, таниқли санъат ва маданият намоёндалари ҳамда ташкилотчилар саралаш жараёнларида бевосита иштирок этиб, ёш истеъдод эгалари иқтидори холис баҳолаб борилди.

Иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдодларини намоён этишларига имконият яратиш, болаларнинг санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш, миллий санъатимиз анъаналарини сақлаб қолиш, шунингдек, санъатнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш, болалар иштирокидаги ҳаваскор ва профессионал жамоалар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган “Камалак юлдузлари” республика ижодиёти фестивалида жами 35 мингга яқин болалар иштирок этди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

*28 декабрь – Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун*

# МУСТАҚИЛЛИК МУҚАДДАС, ЭЗГУЛИК МУЗАФФАРДИР

## МАЗКУР ҲАҚИҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ БОШ МАЙДОНИДА ЁРҚИН НАМОЁН

**Машриқзаминдаги аксарият обидалар, улар хоҳ тарихий, хоҳ замонавий бўлсин, теран маънога эга. Азим пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ҳам теран маънони ифода этган бир иншоот қад ростлаб турибди. У Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб номланади.**



Мазкур монумент ҳақида сўз юритганда, аввало, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ғояси, ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари майдон қиёфасини тубдан ўзгартириб, унга ўзгача файз-жозиба ва улуғворлик бағишлаганини таъкидлаш жоиз. Майдон остонасига қадам қўйган ҳар бир одам буни ҳис қилади.

Яхлит меъморий ансамбль кўринишини олган Мустақиллик майдонига Эзгулик аркаси орқали кириб борилади. Арка тепасидаги парвозга шайланаётган турналар бағрикенг, эътиқоди мустаҳкам халқимизнинг эзгу ва улуғ мақсадларни рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги қатъияти ҳамда саъй-ҳаракатларини ифодаласа, оқ лайлаклар тинч-осойишта ва фаровон ҳаётимизнинг ёрқин тимсолидир. Бунда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги тинчликпарвар сиёсати ҳам яққол акс этган. Арканинг баланд, бақувват устунлари эса давлатимиз ва жамиятимиз мустаҳкам таянчларга эга эканини англатиб туради.

Эзгулик аркасидан Мустақиллик ва эзгулик монументи сари оқ мармар йўлакдан юриб борилади. Бунда ҳам теран маъно бор. Шу ердан майдоннинг умумий манзарасини кузатган ҳар бир одам мусаффо туйғулар оғушида қолиши, шубҳасиз. Зеро, мазкур гўшадаги сокинлик ва шукуҳ манзарали дарахтлар, анвойи гуллару фавворалар таровати билан уйғунлашиб, жаннатмонанд юртимиз табиатининг фусункорлиги ва бетакрорлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, Хотира хиёбони, «Туркистон» саройи, Маърифат маркази мажмуаси, «Пойтахт» бизнес маркази, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби замонавий иншоотлар Мустақиллик майдони манзарасини бойитиб, унинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

2005 йил 28 декабрь куни бу муаззам майдондаги Мустақиллик монументи олдида фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она ҳайкали очилган эди. Президентимиз таклифига биноан мазкур мажмуага Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Айтиш жоизки, монументнинг ғоявий-бадиий композицияси ва меъморий ечими мукаммал бўлиб, унда мамлакатимиз танлаган йўл — Мустақиллик йўли ҳамда халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятлари ёрқин намоён.

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан эзгуликни улуғлаб келади. Шу боис, элимизда чинакам бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топиб, одамлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат ришталари мустаҳкам бўлган. Болажон халқимизнинг оилага муқаддас даргоҳ сифатида қарагани эса маънавий-ахлоқий қадриятларимизни янада бойитган. Оилада фарзандлар олижаноблик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбияланган. Ҳозирги пайтда ҳам ушбу қадриятларимиз бардавом. Мустақиллик йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга, бу борада жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оилаларнинг ролини тобора оширишга доимий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан кириб келаётган 2014 йилга Соғлом бола йили, деб ном берилгани ҳам ана шу эзгу ишлар изчил давом эттирилаётганидан далолатдир.

Замонавий монументал санъатнинг нодир намунаси бўлмиш мазкур мажмуага ташриф буюрувчилар фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини, баркамол авлодини кўргандек бўлади. Бундай тасаввур уларнинг зеҳнини янада ёритади. Улар мустақиллик ва эзгулик ғоялари Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитаси ҳамда бахтиёр она сиймоси орқали нақадар теран ифодаланганига амин бўлади. Шу тариқа ташриф буюрувчилар мустақилликни мустаҳкамлаш ва тинчлик-осойишталикка муттасил интилиш орқали эзгулик таратишни ўз мақсад ҳамда маслагига айлантириш заруратини янада чуқурроқ англайди.

— Ҳар гал Мустақиллик майдони остонасидан ўтганимда ақлим ва руҳим теранлашганини ҳис этаман, — дейди Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Мучин қишлоғида яшовчи Жалил Эсонов. — Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳақиқатан ҳам ҳурриятимиз, эзгу ниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзидир. Яқинда 63 ёшни қаршиладим. Ўғилларимни уйлаб, қизларимни турмушга узатганман. 23 нафар набирам бор. Улар мустақиллик фарзандларидир. Набираларимга қараб ҳавасим келади. Чунки улар тўкин-сочин ҳаёт бағрида, замонавий имкониятлардан тўлалигича фойдаланган ҳолда яшамоқда. Энг муҳими, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

— Оналар ва болаларни эъзозлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш азалий қадриятларимиздандир, — дейди Тошкент шаҳри Ҳамза туманида яшовчи Маъмура Йўлдошева. — Мустақиллик йилларида бу қадриятларимиз янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда. Мамлакатимизнинг бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи оналаримиз ва болаларимизга юксак эҳтиром ифодасидир. Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини, ижтимоий фаоллигини тобора ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга устувор вазифа сифатида қаралаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бугунги кунда умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимлар, нуфузли халқаро тадбирлар ёки спорт мусобақаларини ўтказиш арафасида кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйиши қутлуғ анъанага айланди. Юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа юксак мартабали меҳмонлар ушбу обида пойига гулчамбарлар қўйиб, мустақил Ватанимизга юксак эҳтиром билдирмоқда.

— Ўзбекистонга биринчи маротаба келишим, – дейди малайзиялик сайёҳ Маҳатҳир Тоҳир. – Шу пайтгача кўп юртларда бўлдим, лекин уларнинг ҳеч бири мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмади. Мамлакатингиздаги тинч ва фаровон ҳаётга ҳавасим келди. Тошкентдаги Мустақиллик майдони менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Майдон чиндан ҳам ўзининг улуғворлиги билан Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини ифодалайди. Майдондаги Мустақиллик ва эзгулик монументи эса миллий қадриятларингиз нақадар бой эканидан далолат беради.

Мустақиллик ва эзгулик монументи давлатимиз қудрати ва халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини акс эттирган нодир мажмуадир. Шу билан бирга, у порлоқ истиқболимизга қатъий ишонч тимсоли ҳамдир.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

## “СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧА” ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ СОВРИНИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



**Яқинда Москва шаҳрида XV “Сказка” кинофестивали бўлиб ўтди. Ёш томошабинларни Россия ва хорижнинг сўнгги эртак-кинолари билан таништирган ушбу фестиваль мукофотига ўзбек режиссёрининг “Сеҳрли қалпоқча” картинаси ҳам сазовор бўлди.**

Бу фильм таниқли болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асари асосида суратга олинган.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан режиссёр Сарвар Каримов томонидан ишланган ушбу фильм кинофестивалнинг “Эртакдаги юмор учун” йўналишида ғолиб деб топилди. Режиссёр С.Каримовга “Сказка” кинофестивалининг махсус соврини — “Биллур калитча” тантанали равишда топширилди.

Бундан ташқари, картинада бош ролни ижро этган ёш актёр Бунёд Раҳматуллаев фестивалнинг “Энг яхши актёр” йўналишида ғолиб, деб эътироф этилди.

**“Туркистон-пресс”**

# ЁШ ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИ

## ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ЁШ ОЛИМЛАР РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ёш олимлар кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, ёш олимлар ва бошқалар иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда истиқлол йилларида ёш авлодга ўз салоҳиятини намоён этиш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаш имконини берадиган мутлақо янги таълим тизими яратилганини таъкидлади. Президентимизнинг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ умумқабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга биноан диссертацияни ҳимоя қилиш ҳамда фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилиниши иқтидорли ва собитқадам ёшларни илм-фанга кенг жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, бугун ўзбекистонлик ёш олимлар илм-фаннинг долзарб йўналишларида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда. Ёш олимлар республика илмий-амалий конференцияси доирасида кенг намойиш этилган илмий ютуқлар ҳам бундан ёрқин далолат беради. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, буларнинг барчаси ёш олимларнинг тадқиқот ишларини янада жадаллаштириш, қисқа муддатларда илмий натижаларга эришишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ёш олимлар кенгаши раиси Д.Долимованинг сўзларига кўра, Фанлар академияси ҳузуридаги мазкур кенгаш ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий ҳамда касбий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, илм-фан ва техника соҳасидаги устувор вазифаларни ҳал этишда имкониятларини бирлаштириш, инновация фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Айни пайтда кенгаш илм-фаннинг турли йўналишларида илмий тадқиқот билан шуғулланаётган етти юздан зиёд ёш олимни ўзида бирлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ҳукуматимиз томонидан ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини, маънавий ва жисмоний шаклланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди. Унга кўра, олий ўқув юртларида ёш олимлар кенгашлари ташкил этилди. Уларнинг фаолияти Фанлар академияси илмий йўналишлари билан мувофиқлаштирилди. Бунинг самарасида олий ўқув юртлари талабалари академиянинг илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш, янги илмий тадқиқот йўналишлари билан танишиш ва уларни амалга оширишда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлди.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни илм-фанга жалб қилиш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётир. Масалан, айни пайтда қирқдан ортиқ инновация, илмий-амалий ва фундаментал лойиҳалар ёш олимлар раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Улар томонидан 100 дан зиёд ихтиро учун патент олинган, илмий тадқиқот натижалари мамлакатимиз ва хориждаги 1500 дан ортиқ нашрларда чоп этилган. Ёш олимлар ишланмалари иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида жорий этилаётир.

– Институтимизда ёш олимларнинг илмий изланиш олиб боришлари учун қулай шароитлар яратилган, – дейди “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтининг ярим ўтказгич қуёш элементлари лабораториясининг кичик илмий ходими Оскар Тукфатуллин. – Мен фотоэлектр тизимлар, чунончи, фотоэлектр панеллари, кучланиш ва бошқарув электроникасининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдаман. Патент олинган ва истиқболли ишланмалардан бири – гибрид фотоэлектр тизимини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдим. Бу тизим иссиқ иқлим шароитида фотоэлектр панелларидан самарали фойдаланиш, иссиқликни утилизация қилиш ва уни сувни иситишда қўллаш имконини беради. Шуниси эътиборлики, жорий йилда институтимиз негизида янги техника билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Ёш мутахассислар бу ерда ўз тажриба ва малакаларини ошириши мумкин.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Фестивалнинг финал босқичлари Навоий, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар мумтоз ва миллий чолғулар, қўшиқ, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият ва адабиёт йўналишлари бўйича истеъдодларини намойиш этдилар.

15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган "Юрт келажаги" республика кўрик-танловини ўтказишдан мақсад эса истеъдодли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллаш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўмак бериш, бунда ёшларни ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб боришдан иборат бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 84 мингдан ортиқ қатнашчи иштирок этди. Танловнинг финал босқичлари Бухоро, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда иқтидорли ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Фестивалнинг республика босқичи доирасида иштирокчиларнинг ижод намуналари, ишланмалари, жумладан, ёш рассомлар ва ҳунармандларнинг кўргазмаси, шунингдек, таниқли санъат намоёндалари иштирокида мастер-класс ташкил этилди.

— "Камалак юлдузлари" фестивалининг шеърият ва адабиёт йўналиши бўйича иштирок этдим, — дейди ушбу йўналиш бўйича тақдирланган Ўғилой Ҳошимова. — Ҳамза туманидаги ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактабида таҳсил оламан. Ижодимдан асосан Ватанни мадҳ этувчи ва ҳажвий йўналишдаги шеърлар ўрин олган. Тақдирланганлар орасида номимни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Бизга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Президентимиз, шунингдек, мазкур фестивални ташкил этишда иштирок этган барча-барчага катта миннатдорчилигимни изҳор этаман.



*Аъло АБДУЛЛАЕВ, Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар.*

— "Юрт келажаги" кўрик-танловининг либослар дизайни йўналишида совриндорлар қаторидан жой олишга муваффақ бўлдим, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Мухлиса Исломова. — Келажакда ўз касбимни пухта эгаллаб, соҳани ривожлантиришни ният қилганман. Ушбу кўрик-танлов давомида кучимиз, имкониятларимиз юқори эканлигига ишончимиз ортди. Янги марраларни эгаллашимиз учун катта рағбат бўлди, шу билан бирга, ўз устимизда жиддий ишлаш, фаолиятимизга янада талабчанроқ ёндашишни ўргатди.

Тадбирда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали ва «Юрт келажаги» кўрик-танлови ғолибларига диплом, статуэтка ва эсдалик совғалари топширилди.

Болалар, ёшлар бадиий жамоалари, эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган "Ижтимоий меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ва "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросида касаба уюшмаларининг тутган ўрни" мавзуида анжуман ташкил этилди.**

# МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ ҲАР ДОИМ ҲИМОЯДА

Унда таъкидланганидек, турмушимизнинг янада обод ва гўзал бўлиши учун давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Амалга оширилаётган ишларда инсон манфаатларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу ишлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси томонидан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали касаба уюшмаси ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида 22 минг 340 нафар фуқаро ва 183 минг 721 та оилага 82 миллиард 446 миллион сўмликдан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Хусусан, кам таъминланган оилалар вакилларининг қарийб 133 минг нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, 5844 та оилага уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 3509 нафар талабанинг контракт пуллари қопланди. 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар фарзандлари бўлган 11 минг 471 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 2482 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 7360 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан оширмайдиган қилиб белгиланди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда амалиёт ўтаган кам таъминланган оилаларнинг 22 минг 736 нафар фарзандига ва 9799 нафар битирувчига энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда – жами 744 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 81 минг 532 нафар ёлғиз кексалар ва ногиронларга 10 миллиард 835 миллион сўмликдан зиёд моддий кўмак тадбирлари амалга оширилди.

Бандликни ривожлантириш соҳасида аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига биноан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Мазкур мониторинг доирасида жорий йил давомида республика миқёсида 2 минг 986 та корхона ва ташкилотда 27 минг 771 та янги иш ўрни яратилганлиги ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотларга 9,5 мингга яқин мурожаат келган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги "Ишонч телефонлари"-га келган 2 мингга яқин мурожаат Федерация Кенгаши, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари томонидан қаноатлантирилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш йўналишида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали Обод турмуш йилида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 38 минг 306 нафар киши имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштирилди. Улардан 1504 нафар ходим бепул йўлланма билан таъминланди.

Жорий йилнинг ёз мавсуми давомида 1058 та болалар оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 293 минг нафардан ортиқ бола имтиёзли асосларда соғломлаштирилди.

Тадбирда бу каби ишлар келгуси йилда ҳам изчил давом эттирилиши устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Сарвар САФАРОВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ЕР РЕСУРСЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

*Нукус қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солишни янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.*

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси раҳбарлари, «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти филиали, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти филиали бошлиқлари ва мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

– Мазкур ўқув-семинарда «Ер кодекси» талабига асосан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, ерларнинг доимий мониторингини ўтказиб бориш, ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Хўжалик юритувчи субъектларда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари томонидан текширишлар ўтказишда нималарга эътибор бериш кераклиги юзасидан тушунчалар берилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Бухоро Вилояти

# ЗАМИН АРДОҚЛАНСА, САХОВАТИНИ ОЧАДИ

*Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалида вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ташаббуси билан "Ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солишни янада такомиллаштириш" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.*

Унда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Қайд этиб ўтилганидек, воҳада кейинги йилларда ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ шўрланиш даражасини пасайтириш орқали унинг унумдорлигини ошириш, сизот сувларининг сатҳини пасайтириш масалаларида эътироф этишга арзигулик ишлар амалга оширилган. Натижада қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди.

Бу каби ижобий кўрсаткичлар баробарида ҳали ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалаларида қонунбузилиш ҳолатларининг содир этилаётгани тўғрисида ҳам аниқ рақамлар тилга олиб ўтилди. Уларни амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари даражасида бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**Ҳамроз АЛИ**

Наманган Вилояти

# ТОМОРҚАЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

*Чуст туманидаги "Саримсоқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш" мавзуида кўргазмали семинар ташкил этилди.*

Унда иштирок этганлар маҳалладаги илғор томорқачилар тажрибаси билан ўртоқлашдилар, мутахассислардан мавзуга доир билим ва кўникмалар олдилар, томорқачиларга кўрсатилаётган хизматлар билан яқиндан танишдилар.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чуст тумани бўлинмасининг раиси Ж.Мираҳмедовнинг таъкидлашича, ушбу маҳаллада томорқачилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад олаётган оилалар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Улардан бири Мирзараҳим ака Исроилов бўлади. У киши узоқ йиллар давомида халқ таълими соҳасида ишлади. Нафақага чиққач, фарзандларига бош бўлиб, томорқачиликни йўлга қўйди. Томорқадан олинаётган картошка, сабзи, пиёз, турп каби сабзавот маҳсулотлари оила тўкинчилигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Айниқса, икки бош соғин сигир бераётган серқаймоқ сут оила эҳтиёжини қондириб, ортгани бозорга чиқарилмоқда. Хонадон эгалари йилига умумий ҳисобда ўн миллион сўм соф даромад олишмоқда. Шунингдек, Қосимжон ота Турдибоев, Олимжон Турсунов, Иброҳимжон Икромов, Салимжон Каримовлар эса мўъжазгина иссиқхоналарини қўшимча даромад манбаига айлантириб, турмуш фаровонлигига эришяпти.

Тадбирда бу каби тажрибаларни кенг оммалаштириш, томорқачиларни рағбатлантириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш маҳалла фаолларининг, умуман, кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифаларидан эканлиги қайд этилди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Миллий матбуот марказида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан анжуман ташкил этилди.

# ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ ЙЎЛИДА

Унда компания томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, асосий ва узоқ муддатли суғурта турлари ва уларни ривожлантириш, оммалаштириш ҳамда суғурта хизматларини янада юксалтириш хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида компанияда суғурта мукофотлари 150 фоизга ўсиши таъминланди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилган суғурта тўловлари 130 фоиздан ортди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми 117 фоизга ошишига эришилди. Ўтган даврда республика бўйича фаолият юритаётган ҳудудий бўлинмалар ва суғурта агентлари тармоғи ривожланиб, уларнинг сони 111 тага етди. Шулардан 14 таси ҳудудий филиаллар, 98 таси суғурта бўлимларидир. 2013 йилнинг ўтган даврида компанияга 232 нафар янги суғурта агентлари қабул қилинди.

Бугунга келиб мижозларга тақдим этилаётган суғурта хизматлари сони 100 дан ошган бўлиб, улардан 40 таси айнан жисмоний шахслар учун мўлжалланган суғурталардир.

Янги 2014 йилда ҳам фаолиятни кенгайтириш ва мижозлар ишончини оқлаш учун компания томонидан зарур чора-тадбирлар режалаштирилмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектлари манфаатларини суғурталаш бўйича янги суғурта турлари ишлаб чиқиш, агентлик тармоғига янги агентларни қабул қилиш, вилоят, туман ва шаҳарларда яна турли суғурта хизматлари бўлинмаларини очиш, аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда жисмоний шахсларга суғурта хизматларини тақдим этиш учун қўшимча суғурта пунктларини ташкил этиш белгиланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

**Мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириш, соҳада кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга қаратилган изчил ислоҳотлар юксак самара бермоқда.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекенгилсаноат" Давлат-акциядорлик компанияси вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманда ана шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК тизимида тўқимачилик, тикувчилик ва ипакчиликка ихтисослашган 290 та корхона фаолият олиб бормоқда. Сўнгги йилларда мазкур корхоналарнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати тобора ошаётганини улар томонидан кенг ассортиментдаги калава-ип ва газламалар, тикувчилик, тўқувчилик ҳамда ипак маҳсулотлари жадал ишлаб чиқарилаётганида кўриш мумкин.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида саноат тармоқларида, жумладан, тўқимачилик саноатида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада сўз юритганда, маҳаллий хомашёлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгаяётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақат пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан айни пайтда 40 фоизга ўсгани эътиборлидир. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар давомида юртимизда етиштирилаётган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади.

Тадбир давомида жорий йилда Жиззах вилоятида лойиҳа қиймати 42 миллион АҚШ доллари бўлган, 8,5 минг тонна калава-ип ишлаб чиқариш қувватига эга, 300 та янги иш ўрни яратилган "Жиззах-пластекс", Наманган вилоятида лойиҳа қиймати 7,2 миллион АҚШ долларига тенг, йиллик қуввати 3,9 минг тонна калава-ип ва 2 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, 500 та янги иш ўрни яратилган "Намимпэкстекстиль", Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида лойиҳа қиймати 73 миллион АҚШ доллари бўлган, 6 минг тонна калава-ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Текстиль Технология Групп" корхоналари ишга туширилгани ҳақида кенг маълумот берилди.

"Ўзбекенгилсаноат" ДАК раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуд Мансуровнинг сўзларига қараганда, республикамизда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида яна 55 та шундай лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.



Соҳага киритилаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминламоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига, бинобарин, тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш географияси кенгайишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда тўқимачилик маҳсулотлари Жанубий-Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Европа ҳамда МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Одил ИСЛОМОВ**

Сирдарё Вилояти

# СИРДАРЁДА САНОАТ ИМКОНИЯТЛАРИ ОШМОҚДА

**Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама барқарор ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Натижада саноат соҳасида ҳам улкан ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришида саноатнинг улуши 1990 йилдаги 14 фоиз ўрнига 24,3 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.**

Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқариш ва саноат тармоқлари инфратузилмасини тубдан модернизациялаш автомобилсозлик, электротехника, газ-кимё, фармацевтика, машинасозлик каби юқори технологияли соҳаларни яратишга, тўқимачилик, мебель ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳалари янада ривож топтиришга имконият яратди.

Бу борада Сирдарё вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"-ги Фармони эса (вилоятнинг Сирдарё туманида мазкур индустриал зона филиали мавжуд) бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳаётбахш ҳужжат асосида 2013-2015 йилларда Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури тасдиқланган бўлиб, унга кўра, 2013 йил давомида 144,7 миллион АҚШ доллари қийматидаги 1019 та лойиҳани амалга ошириш орқали 19,7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган эди. Дастур доирасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 885 та лойиҳа амалга оширилиб, 59,8 миллион долларлик инвестициялар киритилди. Натижада 11 минг 676 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, саноат соҳасида жами 29,6 миллион долларлик 228 та лойиҳа ўзлаштирилиб, 4596 та янги иш ўрни ташкил этилди. Экспорт маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил этишда "Милли Гулистон-текстиль", "Бахт-текс-фарм", "Темурмед-фарм", "Мос-Ян-текс", "Гулрен-текс", "Кармента Ян-текс" каби корхоналарнинг улуши, айниқса, салмоқли бўлмоқда.

Сирдарё туманидаги "PENG SHENG" қўшма корхонаси томонидан 40 миллион долларлик хорижий инвестициялар киритилиши натижасида керамик плиткалар, пойабзал маҳсулотлари, терини қайта ишлаш, уй ҳайвонлари ва паррандалар учун ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу йилнинг бошида эса Хитойнинг "ЗТ (Н-К) Лимитед" компанияси билан ҳамкорликда мобиль телефонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Келгуси йилдан бошлаб бу ерда йилига 100 минг дона уч турдаги мобиль телефонлари ишлаб чиқарилиб, хорижий мамлакатларга экспорт қилина бошлайди.

– Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали корхонамизда 60 та янги иш ўрни яратилди, – дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ЛЮ Сео Дун. – 2014 йилнинг биринчи чорагида бу ерда сантехника буюмларини тозалаш, келгуси йилнинг 4-чорагида эса аёллар пойабзали ишлаб чиқариш лойиҳалари ўзлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари иштирокида "Саноатни янада ривожлантиришда, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашда ва ёшларни иш билан таъминлашда ҳудудларнинг роли" мавзуида яқинда Сирдарё туманида ўтказилган семинарда ҳам ҳудудларда саноатни ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, вилоятда экспортчи корхоналар сонини оширишга асосий эътибор қаратилди. Қатнашчилар тумандаги "Темур-медфарм", "Жиззах МИЗ" га қарашли "PENG SHENG", шунингдек, қоп ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "SIRDARYO MEGA LUKS" янги қўшма корхоналари фаолиятлари билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Собиржон Жабборов ва бошқалар махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, минерал-хомашё ресурслари, шунингдек, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар. Зеро, қайта ишлаш тармоқларини комплекс ҳолда ривожлантириш галдаги вазифаларни амалга оширишнинг асосий манбаидир.



**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.*

Тошкент вилояти

▼ ЯНГИЛИК

# ЭКОБРИКЕТ – МАҚБУЛ МУҚОБИЛ ЁҚИЛҒИ

## БЎКА ТУМАНИДА ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ҒЎЗАПОЯДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ЭКОБРИКЕТЛАР МУҚОБИЛ ЁҚИЛҒИ СИФАТИДА КЎПЧИЛИКДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

**Нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурслари табиат томонидан бизга берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар ҳисобланади. Шу боис, улардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Бунинг учун муқобил энергия манбаларини топиш, улардан фойдаланишни кенгайтириш лозим бўлади.**



Мамлакатимизда муқобил энергия манбалари – шамол, қуёш энергиялари, биомассадан фойдаланиш учун катта имкониятлар бор. Бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда қуёш нуридан энергия олиш мақсадида Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун 400 гектар ер ажратилди.

Муқобил ёқилғи турларидан фойдаланишни йўлга қўйишда тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.

### БУНИ ҲАҚИҚИЙ ИННОВАЦИЯ ДЕСА БЎЛАДИ

Тўғриси, ғўзапоядан турли тўшамалар, фанер ишлаб чиқарилишини эшитган, шундай корхоналарни кўрган ҳам эдик. Аммо ушбу маҳсулотдан муқобил ёқилғи тайёрланаётганлиги чиндан ҳам ажойиб янгилик бўлибди.

Ушбу лойиҳа Бўка тумани машина трактор паркининг эски устахонаси ўрнида иш бошлаган янги корхона – “ALTER FUELFROM STEM” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда.

Жамият директори Алишер Очилов ҳамроҳлигида ишчилар меҳнат қилаётган цехга кирдик. Ўнлаб электр ускуналар гуруллаб ишлаб ётибди. Алоҳида темир тарновлардан тушаётган майдаланган ғўзапоя кукунлари нариги томондан зичланган ғалласимон маҳсулотга айланиб чиқмоқда. Омборда эса баланд бино шифтига қадар уйиб қўйилган майдаланган ғўзапоя ғарами, ёнида яна шунча уюм шоли қипиғи. Германия технологияси ҳисобланган ушбу ускуна Хитойдан 500 минг АҚШ долларига келтириб, ўрнатилибди. Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5 минг тонна.

– Хомашёмиз таркибига қишлоқ хўжалик экинларининг исталган чиқитини, масалан, пистапояни, похолни, сомонни, шоли қипиғини, дов-дарахтлар хазонини яна шунга ўхшаш бошқа нарсаларни ҳам бемалол қўшиш мумкин, – дейди Алишер ака. – Бироқ, албатта, ғўзапоя кукуни бўлиши шарт. Ана шунда исталган брикет тайёрланади.

### ЭКОЛОГИК ТОЗА ЁҚИЛҒИ

Бу маҳсулот оддий кўмирдан минг чандон афзал. Биринчидан, кўмирдан бир неча марта арзон ва узоқ ёнади, икки соат аланга беради, яна икки соат чўғ ҳолида сақланиб, ҳароратни оширишда давом этади.

– Кўмирдан 40 фоиз учар-заҳарли газ чиқади, бу маҳсулот эса мутлақо атроф-муҳит ва инсонлар саломатлиги учун безарар, – дейди Алишер ака. – Шунинг учун номи ҳам – экобрикет-да.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу маҳсулотларнинг атроф-муҳитга ва ноботот оламига баъзи салбий таъсирини қиёслайдиган бўлсак, муқобил ёқилғи сифатида ушбу экобрикетнинг нечоғли юқори аҳамиятга эга эканлигини ортиқча шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бунинг устига, ҳар йили қанчадан-қанча хазонлар, сомон ёқиб юборилади. Похол ва шоли қипиқлари ахлат уюмига айланади. Ҳосили йиғиштириб олинадиган минг-минг гектар пахта майдониларидаги ғўзапояларнинг бир қисми аҳоли томонидан йиғиштириб олинса, қолганлари қатор ораларига экиладиган буғдой майсалари йиғишга зарар етказмаслиги учун ўриб ташланади ёки кузги шудгор жараёнида тупроқ остида қолиб кетади. Агар улардан хомашё сифатида фойдаланилса-чи...

### ХОМАШЁ КЎП – КЎНГИЛ ТЎҚ

Бўка тумани ҳокимининг ўринбосари Муроджон Суннатиллаев билан суҳбатлашганимизда ҳам шу ҳақда сўз кетди. Унинг ҳисоб-китобларига қараганда, биргина Бўка туманининг ўзида йилига 40 минг тонна ғўзапоя – тайёр хомашё жамғариш мумкин экан. Бўка қўшни Бекобод, Оққўрғон ва Пискент туманлари билан чегарадош. Келажакда шартнома асосида мазкур туманлардан ҳам хомашёлар харид қилиш кўзда тутилган. Бунинг учун ғўзапоя ўриб, майдалайдиган 6 дона “Кир” русумли агрегат харид қилинди. Ҳозирда жамиятда 20 та янги иш ўрни яратилибди. Истиқболда ишчилар сонини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига қараб босқичма-босқич ошириб бораверишрежалаштирилган. Мурод Сулаймонов, Комил Йўлдошев ҳамда Неъмат Эгамназаровлар аллақачонлар янги муқобил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳадисини пухта ўзлаштириб олдилар.

### ЭКСПОРТ ҲАМ ҚИЛИШ МУМКИН

Экобрикетдан исталган саноат корхонасида, ишлаб чиқаришда, уй ва биноларни иситишда, ҳатто зарарсизлиги учун умумий овқатланиш корхоналарида ҳам бемалол ёқилғи сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, кабоб тайёрлашда у яхшигина чўғ ҳосил қилиб, гўштга ўзгача таъм беради. Экобрикетни ҳозирданоқ нафақат атрофдаги тумanлардан ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам келиб харид қилиб, олиб кетишмоқда. Бундан ҳам хайрлироқ янгилик – маҳсулотга хориждан ҳам талабгорлар чиқаяпти. Қўшни давлатлар билан экспорт учун шартномалар имзоланибди.

### ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва бўкаликларнинг шижоати билан кейинги йилларда Бўка туманининг қиёфаси тубдан гўзаллашиб бормоқда. Фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама ривожланиб бораётганлиги туфайли қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларини етиштириш бўйича бўкаликлар бу йил вилоятда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорларига, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикларида ҳам туман номи алоҳида тилга олинди. Қишлоққа саноатни олиб кириш, янги иш ўринлари яратиш, намунали лойиҳалар асосида қурилаётган янги уй-жойлар кўлами, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, чорвачилик тармоқлари билан бир қаторда, янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳам эътироф этишга арзигулик ишлар қилинмоқда.

Сирасини айтганда, бўкаликлар ҳар жабҳада фаоллик ва фидойилик билан меҳнат қилиб, янги йилни ёруғ юз ва эзгу орзулар билан қарши олмоқдалар.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Навоий вилояти

**Юртимизда истиқболли тармоқларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Буни жойларда асаларичиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилаётганида ҳам кўриш мумкин.**



▼ АСАЛАРИЧИЛИК

# ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ САЛОМАТЛИК МАНБАИ

Навоий вилоятида кейинги йилларда асаларичилик билан шуғулланувчилар ҳам, асал ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайди. Агар 2005 йилда 1038 та оила асалари рўйхатга олинган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 27,8 мингни ташкил этяпти. Вилоятда шу йилнинг ўзида 53 та янги асаларичилик хўжалиги ташкил этилиб, улар сони 337 тага, асалари оилалари эса 24615 тадан 27791 тага етказилди. Асал ишлаб чиқариш бир йилнинг ўзида 236,6 тоннага кўпайди. Ҳар оиладан олинаётган асал миқдори эса ўртача 9 килограммдан 19 килограммга етказилган. Бир неча илғор асаларичилар бу борада аллақачон 50 килограммлик маррани забт этган.

Заҳматли меҳнати билан бирга ушбу соҳа даромадли ҳисобланади. Қолаверса, асалнинг қатор шифобахш хусусиятлари ҳам борки, бу маҳсулотларнинг кўпайиши саломатликни таъминлашга хизмат қилади.

– Асаларининг ўсимликларни четдан чанглатишда ҳам фаол иштироки бор, – дейди Навоий вилояти асаларичилар уюшмаси раиси ўринбосари Улуғбек Муродов. – Шу боис, ҳозирги экологик шароитда чанглатувчи ҳашаротларнинг ўрнини тўлдириш учун асаларичиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Асаларичиликдан олинган гулчанг, прополис, асалари заҳри, асалари сути, асалари муми инсон саломатлиги учун ғоят фойдали эканини айтмаса ҳам бўлади.

Бугун вилоятда асаларичилик ҳақида сўз борганда, биринчи галда қизилтепалик асаларичилар меҳнати ва тажрибаси эътироф этилади. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 337 та асаларичилик хўжалигининг 143 таси, 27,8 минг оила асаларининг 13 минг оиласи шу ҳудуд асаларичилари улушига тўғри келмоқда.

– Қизилтепа асаларичилари ҳақида сўз кетганда, Пўлат Муродов номи тилга олинади, – дейди Навоий вилояти марказий давлат ўрмон хўжалиги бош директори Шариф Худойқулов. – У ўқитувчилик қилиш билан бирга, асаларичилик билан жиддий шуғулланганди. Тажрибаларига таяниб, Навоий вилояти иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, асаларичиликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш ҳақида қўлланма яратганди. Бугун эса Пўлат бобонинг ишларини кўплаб шогирдлари давом эттиришяпти.

Қизилтепа тумани “Маданият” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Маҳмуд Қиличев шахсий ёрдамчи хўжалигида 250 оила асалари парвариш қиляпти. Йил мобайнида асаларилардан олти бор ҳосил олишга эришди. Жами олинган асал миқдори 12750 килограммни ташкил этди. Ҳар бир оила асаларидан 50 килограммдан зиёд асал олинди.

Пўлат Муродовнинг фарзанди Азамат Муродов эса 280 оила асаларини парваришламоқда. У жорий йилда ҳар оила асаларидан 53 килограммдан маҳсулот олиб, вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришди.

– Дадам раҳматлик асло тиниб-тинчимасди, – дейди Азамат Муродов. – Айниқса, ёзнинг жазирамасидан асалариларни асраш учун турли усулларни ўйлаб топардилар. Ҳаво ҳарорати ниҳоятда кўтарилиб кетган пайтларда озуқа охурчаларига сув қуйиб чиқардилар. Бундан ташқари, асалари уяларининг устига қамишдан тўшама тайёрлаб, боғлаб чиқарди. Зарур ҳолларда улар устидан сув қуярди. Чунки сепилган сув секин парланиб, асалари уяси ичида мўътадил ҳарорат бўлишига ёрдам беради. Дадамдан ўрганганларим бугун иш фаолиятимда қўл келяпти.

Хатирчи, Навбаҳор, Кармана туманларида ҳам асаларичиликка эътибор йил сайин ошиб боряпти. Жорий йилда Хатирчида асал ишлаб чиқариш 91,4 тоннага, Навбаҳорда 52,4 тоннадан 93,2 тоннага, Кармaнада эса 33,3 тоннадан 57,1 тоннага етказилди. Навоий шаҳрида эса суръат кўрсаткичлари бундан-да юқори. Шаҳарлик асаларичилар йил мобайнида режалаштирилган 43,2 тонна ўрнига 64,2 тонна асал тайёрлашди.

Мухтасар айтганда, вилоятда асаларичиликни ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳа самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сурхондарё вилояти

▼ СОЛИҚ

# ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Сурхондарё вилоятида ҳам хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул ҳисоб-китобларининг назорат касса машиналари орқали амалга оширилиши, нақд пулнинг банкларга тўлиқ топширилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунга қарамай, соҳа ходимлари томонидан ўтказилаётган мониторинг текширишларида айрим тадбиркорлар томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда.**

Жорий йилнинг 1 декабрига қадар вилоят бўйича нақд пул билан ҳисоб-китоб ишлари олиб бориладиган хўжалик юритувчи субъектларга қарашли савдо нуқталарида жами 391 маротаба қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Натижада ҳуқуқбузарлардан кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 932 миллион сўмлик товар моддий бойликлари олиб қўйилди. Ҳуқуқбузар субъектларга нисбатан 1930 миллион сўм миқдорида молиявий ҳамда ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан 69 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Жумладан, Узун туманида фаолият кўрсатиб келаётган “Зуҳра” хусусий фирмасига қарашли марказий дорихонада қисқа муддатли текшириш ўтказилганда харидорга 4,5 минг сўмга чек берилмаганлиги, жами бўлиб 455 минг 800 сўмлик маблағ назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, умумий қиймати 73 миллион 544 минг 527 сўмлик кирим ҳужжатлари ва сифат сертификатлари мавжуд бўлмаган дори-дармон воситалари олиб қўйилди.

Термиз туманидаги “Ака-ука Аннақуловлар” хусусий корхонасига қарашли савдо шохобчасида режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилганда 9,2 минг сўм нақд пул назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, 3 миллион 203 минг сўмлик кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан қонуний чора кўриш учун жиноят ишлари бўйича Қизириқ тумани судига юборилди.

Хулоса ўрнида айтганда, нақд пул муомаласига ҳаққоний ёндашиш орқали солиқ тизимини такомиллаштириш халқимиз моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Илёс РАҲМАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти ДСБ Ахборот хизмати бошлиғи.**




Реклама ўрнида

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

NBU

## барча юртдошларимизни, шу жумладан, банк мижозларини яқинлашиб келаётган Янги – 2014 йил билан қутлайди!

Банкимиз сармоялари обод турмуш ва фаровон ҳаётингиз хизматида
2013 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 21,7 миллиард сўм;
халқимиз дастурхонини сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлдириш учун 13 миллиард сўм;
чорвачиликни ривожлантиришга 63 миллиард сўм;
ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 13,7 миллиард сўмдан зиёд;
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 69,3 миллиард сўмдан зиёд сармоялар йўналтирилди.
Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2,5 миллиард сўмдан ортиқ, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 26 миллиард сўмдан зиёд;
намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун 62 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.
Банк жамоаси Янги — 2014 йилда ҳам мижозларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришда, уларнинг янги иш ўринлари ташкил этиш, турмуш ободлиги ва ҳаёт фаровонлигини оширишдаги эзгу ишларида кўмакдош бўлаверади.

## 2014 ЙИЛ – СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ ҲАМ ОРЗУЛАРИМИЗ АМАЛГА ОШАДИГАН, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛАДИГАН ЙИЛ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган






Азиз юртдошларимизни, жумладан, газ саноати ходимларини янги – 2014 йил билан чин дилдан қутлаймиз. Жамоамиз ишчи-хизматчилари ўзларининг барча куч-ғайратлари, диққат-эътиборларини корхоналар ва хонадонлар учун газ таъминоти барқарор бўлишига қаратганлар. Халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг эзгу мақсадимиз ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом бола” йили деб номланган 2014 йилда барча ватандошларимизга Юртимизни обод этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида каттадан-катта муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

**«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*саховатли она Ер бағридан ризқ-рўз ундириб, юксак хирмонлар бунёд этаётган бободеҳқонларимизни, ғаллакору пахтакорларимизни яқинлашиб келаётган Янги – 2014 йил билан муборакбод этади. Барча юртдошларимиз, шу жумладан, аграр соҳа ходимлари учун Янги йил катта муваффақиятларга бой йил бўлсин!*

*Қутловимиз сизга азизлар!*

**«ҚОРАҚАЛПОҚШАРОБСАВДО» БАЗАСИ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни, шу жумладан, озиқ-овқат саноати соҳасида меҳнат қилаётган ходимларни, сифатли хомашё етиштираётган миришкор боғбонларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан чин дилдан қутлайди.*

*Янги йил янгидан-янги меҳнат ютуқларига бой бўлсин!*

*Дастурхонимиз файзли, турмушимиз янада обод, ҳаётимиз мудом фаровон бўлаверсин!*

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# УСТУВОР МАҚСАДЛАР РЎЁБИГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

**Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити тадбиркорликни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банклар томонидан амалга оширилаётган ишларни олиб қарайлик. Бу жараёнда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ҳам муносиб иштирок этмоқда.**

Банк томонидан 2013 йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 541 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу сармоялар тадбиркорлик фаолияти ривожига хизмат қилди, янги ишлаб чиқариш йўналишларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Буни банк мижозларининг фикрларида ҳам кўриш мумкин.

– Корхонамиз фаолиятини сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашдан бошлагандик, — дейди Навоий шаҳридаги “Одил брок сервис” МЧЖ раҳбари Одилжон Шарипов. — Айни пайтда корхонада кунига 3,5 тонна сут ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этиляпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва нархига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса харидорларга ҳам маъқул келаётир. Тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида “Агробанк”нинг Навоий шаҳар ҳудудий филиалидан 72 миллион сўм кредит олдик. Сармоя ҳисобига корхонада синтетик ватин маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, қўшимча 5 нафар киши иш билан таъминланди. Қўшимча тармоқ ривожланса, даромад ҳам кўпаяди. Бундан ҳам оиламиз, ҳам маҳалламиз фаровонлиги ошади. Бу эса бизни яна янги марралар сари одимлашга ундайди. Кириб келаётган янги – 2014 йилда ҳам банк билан ҳамкорлик қилиб, юрт ободлиги йўлидаги эзгу ишларимизни давом эттираверамиз.

– Иссиқхона ташкил этиш, қўшимча иш ўринларини кўпайтириш мақсадида кредит олиш учун банкнинг Кармана филиалига мурожаат қилдик, – дейди Кармана туманидаги “Кармана нури роҳат” фермер хўжалиги раҳбари Жўрақул Нуриддинов. – Молия муассасаси томонидан бизга иссиқхона қурилиши учун 100 миллион сўм кредит берилди. Кредит ҳисобига 7 та иш ўрни яратилди. Айни қиш кунларида, яъни янги йил арафасида ҳам иссиқхонада сархил помидор, бодринг маҳсулотлари етиштирилиб, аҳолига етказиб берилаётир. Бугун эришаётган ютуқ ва муваффақиятларни кўриб, кўнглинг завқ-шавққа тўлади. Келгуси йилда ҳам банк мададидан баҳраманд бўлиб, кўплаб қўшимча тармоқларни ривожлантириш ниятидамиз.

“Агробанк” ОАТБ томонидан молиявий қўллаб-қувватланиб, ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйган кўплаб ёшларни иш билан таъминлаб келаётган бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Молия муассасаси томонидан йўналтирилаётган сармоялар тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда. Келинг, буни батафсил таҳлил этамиз.

Банк томонидан жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ташкил қилишга 31,2 миллиард сўм, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга 17,4 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадларига 162,1 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 10,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Ҳисобот даврида аҳолига 74,5 миллиард сўм маиший техника ва уй-рўзғор буюмлари сотиб олишга ҳамда 15,2 миллиард сўм таълим олиш мақсадларига йўналтирилди.

Ҳозирги кунда банк томонидан оилалар фаровонлигини ошириш, яъни ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой сотиб олиш учун аҳолига 8 миллиард сўм, шу жумладан, ёш оилаларга 4,1 миллиард сўм ипотека ҳамда қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қурилишига бошланғич бадални шакллантириш учун 17,5 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, жорий йилда банк томонидан ажратилган инвестициявий кредитлар миқдори 403 миллиард сўмни ташкил этиб, 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 117 миллиард сўмга ошди.

Йил давомида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш мақсадида банк томонидан “Онлайн” режимида ишловчи 623 мингта карталар муомалага чиқарилди ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган терминалларга модем қурилмалари ўрнатилди.

Айни пайтда банкнинг барча филиалларида ташкил этилган 183 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари тармоғи орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Ушбу шохобчалар орқали 10 хил турдаги пул ўтказмалари мижозларга таклиф қилиниб, уларга қулайликлар яратилмоқда.

Банкда замонавий ахборот технологияларига асосланган хизматлар кўламини кенгайтириш борасида ҳам кенг чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва қулайликлар яратиш мақсадида жорий қилинган “Интернет банкинг” тизимига уланган мижозлар сони 2000 нафардан, “СМС-банкинг” хизматидан фойдаланаётган мижозлар сони эса 6200 тадан ортди.

Шунингдек, жисмоний шахсларга интерактив хизматлар кўрсатишни ривожлантириш мақсадида интернет ҳамда уяли алоқа воситалари орқали масофавий тўловларни амалга ошириш учун “Агробанк клик мобиль банкинг” хизмати йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу хизматдан фойдаланаётган мижозлар сони 3580 тадан зиёдни ташкил этади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда “Агробанк” ОАТБ томонидан банк мижозларига, фермеру тадбиркорларга кўрсатилаётган тезкор ва ишончли хизматлар, ажратилаётган кредитлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлиги йўлидаги эзгу мақсадлар ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

▼ РЕКЛАМА ЎРНИДА










ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (20.09.2007 й., реестр № 001798-01) давлат рўйхатига олинган “SHIRIN HAYOT ZAMINI” МЧЖ Устав фонди 1 273 695 000 сўмдан 1 075 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (23.01.2010 й., реестр № 003462-01) давлат рўйхатига олинган “OQ QAYIN-MEBEL” МЧЖ ташкилий-ҳуқуқий шакли Оилавий корхонага ўзгаришини маълум қилади.

“PEGAS PETROLIUM GAZ” МЧЖ (СТИР 300568337) устав жамғармаси 4 339 537 318 сўмдан 1 322 529 508 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 940-08-98.

ООО “SDS PROEKT” (ИНН 205969779) Шайхантахурского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 50 600 000 сум до 12 600 000 сумов. Тел.: 370-19-79.

ЧП “HUSNITDIN-ORIP BIZNES” (ИНН 301761002) Кибрайского р-на Ташкентской обл. сообщает о преобразовании в ООО “HUSNITDIN-ORIP BIZNES”. Претензии принимаются в течение 1 месяца по адресу: “O'nqo'rg'on” QFY, Guliston ko'ch. 56 uy.

ООО “FIL MEBEL LUX” (ИНН 301335626) зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на (реестр № 002233-06) расположенное по адресу ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес: ул. Белорусская д. 10 кв. 1 объявляет об уменьшении уставного фонда с 87 530 112 сум до 78 150 840 сум. Претензии принимаются по тел: 258-85-82.

ООО “AS-SAMUT” (ИНН 204426892) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента реестр № 03-000852 от 18.12.2009 г., расположенное по адресу: ул. Шахрисабзская 13/64 ликвидируется (протокол № 3 от 25.12.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

ООО “SHARQ TIJORAT SERVIS” (ИНН 202627106) зарегистрированное в Мирабадском р-не сообщает об уменьшении уставного фонда с 239 482 206 сум до 202 081 072 сум 10 тийин.

Утерянные документы дома расположенного по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н проезд Катта Бог д. 10, договор купли-продажи (25.12.2013 г., реестр № 4-1184) и план дома от 16.10.2013 г. (ер участкасига: 10:10:03:03:01:5748 бино иншоотига 10:10:03:03:01:5748:0001:0010) и гувохнома O'Y 625270 TA 1972239 на имя Raximova Zafardjona Akmalovicha, считать недействительными.

ООО “TOSH DEU AVTOTEX” (ИНН 205779120) зарегистрированное (10.08.2005 г., № 001879-11) отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Шота Руставели д. 152 а сообщает о прекращении добровольной самоликвидации (решение учредителя № 20 от 25.12.2013 г.). Тел.: (8-371)215-77-05.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 01.02.2012 й.да рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор “KAYUMOV RAMIZ ABDULAZIZOVICH”га тегишли 0006620-сонли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный угловой штамп ООО “SADIQUE SAID TRADERS” Мирабадского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Ш.ЙЎЛДОШЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1214, ҳажми 3 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | **Босишга топшириш вақти: 21.00** **Босишга топширилди: 22.10** 15198 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | **E-mail:** info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5